



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

# PEDIATR

№ 19-20 (895-896)  
16-Deabr, Dushanba  
2019-yilTOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI  
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО  
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТАGazeta 1974-yil  
martdan chiqqa  
boshlagan

## КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛАТ ҚОМУСИ

**Б.Т.Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**Халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Қайси давлат бўлмасин, ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлар экан, энг муҳим вазифаларини белгилаб олади. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврида қабул қилинган Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор қўйилган. Энг аввало, бош қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқароларининг тенг ҳуқуқли эканлигини қафолатлайди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт тарзини ҳамда энг катта неъматимиз бўлган тинчликни асраш – Конституцияда қонун билан белгиланган энг устувор вазифадир. Қонун устуворлиги бу – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари ва фуқароларга кўрсатилаётган барча турдаги хизматларнинг сифати Конституция ва қонунларга мувофиқ тарзда бўлиши шарт деганидир.

Шу боисдан ҳам барча фуқаролар, хоҳ у юридик шахс, хоҳ жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, Конституция ва барча қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри талқин этиши мақсадга мувофиқдир.

Бу борада жорий йилда кўпгина ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилиниб, “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик амалиётлари доирасида қуролли можаролар майдонидан 261 нафар фуқаро юртимизга қайтариб келинганни диққатга сазовордир. Бу ўз-ўзидан шунини кўрсатадики, бош қомусимизда белгиланган инсонпарвар тамойиллар тўла амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жиноят содир этганларни авф этиш бўйича 8 та фармонлари қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинган бунинг яққол далилидир. Яна бир янгилик сифатида, Конституциямизнинг 27 йиллиги муносабати билан Президентимиз яна бир инсонпарварлик тўғрисидаги фармонларини имзоладилар. Унга биноан, жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум авф этилди. Зеро, инсон манфатлари мамлакатимизда устувор турувчи ғоядир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 27 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табрикларида: “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан

тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим”, -дея таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати – бу жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятининг муҳим омиллариандир. Демак, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратининг роли катта ҳисобланади.

“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг тафаккури ва ижтимоий ҳаётида ўрин эгаллаши учун қатор ва босқичма-босқич йўналтирилган ислохотлар юртбошимиз томонидан бошланаётган янги йилнинг илк қадами сифатида белгилаб берилди. Бош қомусимиз бўлган Конституция ҳар бир фуқаро ва давлат ўртасидаги ишончнинг гаровидир.

Эркин ва фаровон ҳаёт тарзини тўлақонли даражада ривожлантириш учун амалга оширилаётган юртимиздаги бундай ислохотлар ўз самарасини бериб келмоқда. Барча соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси доирасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилаётганини биргина мисол билан келтира оламиз: сўнгги уч йил ичида гўдақлар ўлими 11, 4 промиллидан 9,9 промиллига камайди. Она ва боланинг соғлигини сақлаш борасидаги олиб борилаётган ислохотларнинг самараси йилдан йилга ошиб бормоқда.

Конституция – миллатимизнинг қомуси! Зеро, ҳар бир қонун инсонпарварликка хизмат қилади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Бугун давлатимиз қонунчилигида олиб борилаётган ислохотлардан бири олий ва ўрта махсус таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим тизимидаги шаффофликни таъминлаш ва келажак авлодга сифатли таълим тизимини шакллантириш масалаларини кенг қамровда ўз ичига олади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу эса келажакка бўлган юксак эътиборнинг намунасидир. Негаки, таълим тизимидаги ислохотлар бевосита ёшларга имконият эшиги бўлиб хизмат қилади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг ўқув ишлари проректори, тиббиёт фанлари доктори Қаҳрамон Нажмиддинович Хаитов билан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси моҳияти ҳақида суҳбатлашдик.

– *Ассалому алайкум, Қаҳрамон Нажмиддинович! Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бугунги кунда Олий таълим тизимининг жорий ҳолати қандай?*

– Ёшларимизнинг келажакдаги билим ва салоҳиятини ошириш мақсадида жорий йилда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси барча таълим олаётган ёшлар манфаатини кўзлайди. Ҳозирда Олий таълим тизимида 114 та олий таълим муассасаси мавжуд. Сўнгги 3 йилда 6 та олий таълим, 17 та олий таълим муассасаларининг филиаллари, 14 та хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди. Республика Олий таълим муассасаларида 410 минг бакалавр, 13 минг магистр таҳсил олиб келмоқда. Сўнгги 3 йилда Олий таълимда таҳсил олаётган талабалар сони 1,7 бараварга ошди. Бу ҳам анча катта қамровни ташкил қилади, албатта. 2019–2020 ўқув йилларида 59 та сиртки ва 10 та кечки таълим муассасалари ташкил этилган бўлса, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим ва 582 та магистратура мутахассислиги йўналишлари киритилди. Кўриниб турибдики, таълим тизимида ҳам анчагина ўсиш кузатилмоқда.

– *Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси нималарни ўз ичига олган?*

– Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси 4 боб ва 9 параграфдан иборат. Умумий қоидалар, олий таъ-

лим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари ва концепцияни амалга оширишда кутилаётган натижалар каби бобларни ўз ичига олган.

Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланади ва соҳада рақобат муҳити яратилиши кўзда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, жаҳон таълим тизимидан фойдаланган ҳолда миллий таълим тизимининг самарасини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

– *Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари нималардан иборат?*

– Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 20 та мақсадли кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, энг илғор масала – Хорижий олий таълим муассасалари дастурлари асосида ўқитишга қаратилган. Яна бир муҳим бўлган масалалардан бири – Олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимини жорий этишини 100 фоиз қамраб олиш ва кредит-модуль тизимининг жорий этилишини мавжуд 48 фоиздан 85 фоизга ошириш масалалари кўзда тутилган. Бевосита таълим сифатини ошириш эртамиз эгалари бўлган ёшларимизга яратилаётган кенг имкондир.

– *Барча тизимларда бўлганидек, таълим тизимида ҳам турли муаммолар мавжуд. Қаҳрамон Нажмиддинович, Олий таълимдаги мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиши концепцияда ўрин олганми?*

– Энг аввало, олий таълим билан мавжуд бўлган муаммо қамров даражаси 20 фоизлигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида бу ҳолат 50 фоизгача қамраб олиш режалаштирилган. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича концепцияга алоҳида боб киритилган бўлиб, бунга амалда татбиқ этиш чора-тадбирлари бошлаб юборилди. Демак, ёшларимизнинг таълим олиши ҳар томонлама шаффоф бўлмоғи керак!

– *Қаҳрамон Нажмиддинович, мазмунли суҳбат учун ташаккур!*

**Роҳилабону ҒҲҲЧИЕВА**  
суҳбатлашди.

# БИЗ ИНСОНПАРВАРЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотлар, аввало, инсон мафаатлари учун хизмат қилади. Зеро, ҳар бир фуқаро ҳуқуқи давлатимиз томонидан белгиланган қонун бўйича ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2019 йил 9 октябрь куни ўтказилган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг 2-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг 17-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Одам савдосига қарши курашиш” ва “Мажбурий меҳнатга қарши курашиш” деб номланган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 87-02-2911-сонли хатига асосан ўтказилиши мазмун-моҳияти бўйича барча таълим муассасаларида тадбир ташкил этилди. Жумладан, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида 26 ноябрь куни “Одам савдосига қарши курашиш ойлиги” ва “Мажбурий меҳнатга қарши курашиш ойлиги” номи тадбири бўлиб ўтди. Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари М.Алимова талабаларни одам савдоси ҳақидаги маълумотлар билан таништириб ўтар экан, одам савдоси тарихи ҳақидаги тақдимот, айниқса, талабаларга манзур бўлди. Одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилиш, шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдондаги давлатимизнинг родини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳуқумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таълим соҳасига оид ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда одам савдосига ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар сақланиб қолаётганини таҳлиллар кўрсатиб турибди. Жумладан:

Биринчидан, ваколатли органларнинг ташаббускорлиги етарли бўлмаяти, ваколатли органларнинг яго-



на раҳбарлик остида етарли даражадаги идоралараро ҳамкорлиги мавжуд эмас.

Иккинчидан, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳолис ва ишонарли ахборотни кенг жамоатчиликка ва халқаро ҳамжамиятга етказиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар уйғунлаштирилмаган.

Учинчидан, қонунчилик базаси халқаро стандартларга номувофик, бу эса одам савдосига ва мажбурий меҳнатга алоқадор шахсларни самарали таъқиб қилиш ва жазолашга тўсқинлик қилмоқда.

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий салмоғини олға суришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларига мувофиқ: Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси – Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқланди.

Нафақат ҳар бир ёш, балки ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқларини тўлақонли даражада билиши лозим. Мана шу ҳолатда давлатимиз раҳбарлари фуқаро ҳуқуқини етарлича ҳимоя қила олади. Негаки, ҳуқуқий онг етарлича шаклланмас экан, қонунбузарлик ҳолатларини тўхтатиб бўлмайди. Келажакда Ватанни ҳимоя қилиш учун, аввало, ҳар биримиз ўз ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишимиз лозим.



*М. Аҳмедова*

*Ёшлар билан ишлаш проректори*



## ТИББИЁТДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ ДАВР ТАЛАБИ



“Билаги зўр бирни йикар, билими зўр – мингни”, - деган ҳикмат аслида бугуннинг кун ҳикматига айланиб улгурди. Негаки, инновацион таълим тизимидаги жадал ривожланиш Жаҳон таълим стандартларига мос тарзда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кечаги куннинг шукуҳи билан пойдевори мустаҳкам келажакни куриб бўлмайди. Ҳар лаҳзада бир янгилик кашф эта билиш – бугуннинг кун талабидир.

Асрлар давомида миллатимизда шаклланиб келган таълим ва тарбия жараёни ўзига хос қирраларга эга бўлган бир пайтда, давр талабига мос равишда такомиллаштишни талаб этмоқда. Ахборот технологиялари даврида яшар эканмиз, сония сайин ўзгараётган ахборот олами ҳар қандай ўзгаришга мослаша оладиган ва керак бўлса аксинча ўзгартира оладиган кадрларни талаб этади. Бу борада юртимизда кўплаб ислохотлар ўз тасдиғини топди.

Жумладан, биргина мисол тариқасида Андижонда 2019 йил 6 декабрда тиббий конференция доирасида симуляцион кўникмалар бўйича фан олимпиадаси ташкил этилди. Унда Қирғизистон Давлат тиббиёт академияси, Қозоғистон Давлат тиббиёт академияси, Қозоғистон-Россия Тиб-

биёт университети, Ўш Давлат университети, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, Андижон Давлат тиббиёт институти жамоалари иштирок этишди. Мазкур олимпиадада жамоалар 4 та йуналиш бўйича, яъни жарроҳлик, анестезиология ва реаниматология бўйича амалий машғулотлар, интубация ва клиник ўлим ҳолатида ўпка-юрак реанимацияси, педиатрия бўйича турли назарий саволлар ва амалий машғулотлар, турли хил шошилиш ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш каби берилган топширик, савол, вазифаларга – тўғри, аниқ, раво, оператив жавоб бериш, амалий машғулотларни тез ва тўғри бажариш каби кўникмалардан иборат эди. Босқичма-босқич олиб борилган саралаш жараёнида сифатли хизмат кўрсатиб, юқори балл тўплаган, «Патологик физиология, анатомия» кафедраси катта ўқитувчиси Г.Примова раҳбарлигидаги 7 нафар талабадан ташкил топган «Medicus» номи жамоамиз – “Энг яхши педиатрлар” номинациясига муносиб кўрилди.

Энг асосийси, юртимизда ташкил қилинаётган бу каби кўплаб фан олимпиадалари нафақат давлатимизнинг, балки қўшни ва жаҳон халқларининг ёшларини қамраб олиб, ёшларнинг билим ва

кўникмаларини баҳолашда ҳамда ўзаро дўстона муносабатлар олиб боришда хизмат қилади. Биргина мисол тариқасида – Қозоғистон Давлат тиббиёт академияси талабалари ўз чиқишларида реанимация жараёнида кўрсатган жамоавий ҳаракатлари ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимизга туртки бўлди, Қирғизистон Давлат тиббиёт академияси талабалари ҳам ҳар томонлама фаол иштирок этиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзларини маҳоратларини муносиб намоиш этдилар. Ўш Давлат университетининг халқаро факультетида таҳсил олаётган Ҳиндистонлик талабаларнинг чиқишлари барчага бирдек манзур бўлди. Шу ўринда Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг “Medicus” жамоаси Педиатрия йуналиши бўйича берилган топшириқларга ва саволларга талаб даражасида жавоблари ва амалий кўникмалари билан ажралиб турди.

Бўлиб ўтган фан олимпиадасидан олган хулосаларни институти-миз талабалари билан ўртоқлашар эканмиз, аввало, аҳилликнинг самараси юқори эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Юртимизда турли соҳаларга доир халқаро олимпиадалар ва конференцияларнинг ташкил этилиши жаҳон таълим тизими билан танишиш имкониятини беради. Бевосита таълим тизимидаги инновацион ёндашув – бугунги давр талабидир.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев биз ёшларга қарата: “Бугунги кун ёшлари – эрта-миз эгаларидир!” -дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, биз ёшларга билдири-лаётган юксак эътиборга муносиб бўлган ҳолда келажакда жаҳон ёшлари билан тик беллаша оладиган муносиб кадр бўлиш – асосий мақсадимиз. Зеро, Ватан тақдири биз ёшларнинг салоҳияти билан бағлиқдир.

**Шавкат АБДУСАТТАРОВ**  
*Педиатрия факултети талабаси*

## ТАЛАБАЛИКДА ОНАЛИК ДАВРИ

Илмнинг кечи бўлмайди, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, илмга бўлган иштиёқ бўлса, ёшнинг ҳам, вақтнинг ҳам аҳамияти бўлмас экан.

Талабалик даврini олтин даврга тенглаштирадilar, бироқ мен учун бу давр олтиндан ҳам қиммат... Чунки мен ҳам талабалик ва оналик даврini бошдан кечирмоқдаман, бу давр мен учун энг бебаҳо онларимдир. Негаки, ҳар тонг фарзандимнинг беғубор табассуми ва оила аъзоларимнинг меҳри билан бошланади. Айниқса, яқинларингиз сизга елкадошлигини ҳис қилиш катта бахт! Она каби меҳри билан ҳаётнинг ачиқ-чучугида йўл кўрсатадиган меҳрибон қайнаманнинг борлиги энг катта бахтим.

Талабалик бахти билан оналик бахти ва масъулияти жонажон институтизга ва фидойи устозларимнинг дарсига чорлайверади. Гоҳида дарсда ўтириб ҳам фарзандим боғчада нима билан машғул, нима истъёмол қиляпти, деб ўйлаб қоламан, ҳар лаҳзамда катта масъулият. Аммо талабалик ёшликнинг энг бебаҳо онлари экан! Ҳар кунингизда янги билимга эга бўласиз.

Турмуш ўртоғим ва фарзандимни кутиб олар эканман, яна бир кунимнинг тотувликда ўтгани учун шукроналикни ҳис қиламан. Кейин эса фарзандимга эртақ айтиб берар эканман, онамнинг мен болалигимда айтган эртақлари ва меҳр тўла нигоҳлари болалигимга олиб кетади. Фарзандингиз сизни болаликка қайтара олувчи ягона бахт! Айниқса, она алласидаги майин сас ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди.

“Бунча нозик бўлмасанг, гулга ўрайми, болам,

Еиғи тўла аллам бор, айтиб берайми, болам.

Етти дарё ювса ҳам кетмас доғим бор менинг,

Нокас отган тошларга тўлган боғим бор менинг.

Мўлтирама кўзимга, бўлди кўнглим эзмагин,

Мен сен учун тош тишлай, сен ороминг бузмагин.

Дўланадек тўкилган юраги бор онагни,

Дардкашимсан сен, болам!”

Алладаги меҳр боламга ором бериб, уйқуга кетади. Она бўлиб онажоним кадрига етишни ўргандим.



Келажакда фарзандимни эл-юртга фойдаси тегадиган зиёли инсон сифатида тарбия қилиб, оналик бурчимни адо қилишни мақсад қилиб олдим.

Оналик ва талабалик – бу бахт ватаним учун қиладиган хизматимнинг ва бурчимнинг биринчи навбатдаги самарасидир. Зеро, она – бешикни бир қўлида тебратса, бир қўли билан оламни тебратди. Талабалигим – менинг олтинга алишмас давримдир!

*Севара Қосимова*  
*ОХИ факультетининг*  
*103-суроҳ талабаси*


## БАХТЛИ ОНАМАН!

“...Bu yorug‘ olamda Vatan bittadir, Bittadir dunyoda Ona degan nom!”,- deya yakun topadigan O‘zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripovning “Ona degan nom” nomli she‘rida onalik baxtiga muyassar bo‘lmoqlik sharafi “dunyoda bitta” deya e‘tirof etilgan. Darhahiqat, bu nomning ulug‘ligini qancha shoirlar doston qilib kuylashyapti, eng asosiysi, Vatanga mengzab – “Ona Vatan” deya she‘rlar bitilgan!

Men talaba bo‘ldim, ammo shu vaqtga qadar men «ONA» maqomiga ham ega bo‘ldim. Kursdoshlarim qiziqib savol berishadi: “O‘qish va bir vaqtning o‘zida ona bo‘lish qiyab qo‘ymaydimi?”. Mening fikrimcha, bu ikki mas‘uliyatni yelkaga olgan har bir ayolning bardoshi mustahkam bo‘lmog‘i kerak. Negaki, ham o‘qishda, ham oilada, ham qarindoshlik munosabatlarida ilg‘or, muloyim, chaqqon va albatta, mehr-muhabbat bilan har bir ishga yondoshish kabi mas‘uliyatlarni zimmamizga olamiz. Ayniqsa, kelajakka munosib farzandni

tarbiyalab, voyaga yetkazish – jamiyat uchun, balki o‘zimizning ertangi porloq kelajagimiz uchun qo‘shgan eng katta hissamizdir.

Har kuni o‘qishdan qaytib kelgach farzandim bilan “Maktab” o‘yinini o‘ynaymiz. Uning ko‘zlaridagi bilim olishga bo‘lgan ishtiyoqni ko‘rganimda talaba ekanligimdan faxrlanib ketaman. Chunki dars tayyorlayotgan paytimda o‘g‘limning yonimga kelib, har xil savollari bilan o‘z qiziqishlarini bildira olishi va kitoblaringa qiziqishi menda yanada o‘qishga bo‘lgan ishtiyoqni oshiradi. O‘g‘lim ikkalamiz uzoq vaqt birga dars tayyorlar ekanmiz, menga havas bilan qarab:”Oyi, men ham kelajakda talaba bo‘laman”,-deydi. Yelkamdagi mas‘uliyatning haqiqiy mohiyatini his qilaman. Avvalo, o‘zim olgan ta‘limni farzandimga bera olishim lozim. Demak, barcha ko‘zida shijoat olovi porlab turgan bolalarning bizga begonasi yo‘q. Negaki, qaysi sohada bo‘lishidan qat‘i nazar har qanday bilim amaliyotga tatbiq etish uchun olinadi.



Yurtimizning madhiyasi bilan “Assalom”,-deya boshlanadigan har yangi tongni intizorlik bilan qarshi olaman. Yurtimizdagi olib borilayotgan barcha islohotlarning negizi, avvalo, tinchlikka qaratilgan. Har o‘tgan osuda va mazmunga boy kunimda baxtiyor onalikni his qilib yashayman.

*Valeriya KANAVALOVA*  
*talaba ona*



## YAXSHILIK



Baxt – nima ekanligini bilasizmi? Baxt – siz va bizning shukronaligimizdir. Har birimiz olamning ne’matimiz. Negaki, harakat – insonni shakllantiradi.

3-dekabr kuni bo‘lib o‘tgan tadbirda, yurtboshimiz tomonidan imkoniyati cheklangan bolalarga turli sovg‘alar ulashildi. Jamiyatimizda olib borilayotgan turli xayriya jamg‘armalari va muruvvat ko‘rsatish chora-tadbirlari bugun imkoniyati cheklangan yoshlarimizda o‘ziga bo‘lgan ishonchni oshirishga qaratilgan vosita sifatida xizmat qiladi.

Taniqli milliarder aytgan edi: “Men pul ishlay boshlaganimda million topdim va har million bilan yanada baxtliroq bo‘lishimni his qilardim, ammo bunday emas edi. Bir kuni nogiron do‘stim nogironlar aravachasini ishlab chiqaradigan zavodni ochishimni maslahat

*Yaxshilik – bu fan emas, bu – harakatdir.*

*R. ROLLAN*

berdi. Shunday qilib, men o‘zimni yangidan kashf etdim, keyin o‘sha do‘stim birinchi mahsulotni bepul berishimni maslahat berdi va u meni o‘z qo‘llarim bilan yasashga majbur qildi. Ishonasizmi, men ilk bora bola ko‘zidagi baxtni ko‘rishim edi. Bolalardan biri oyog‘imni ushlab, qarab turardi... So‘radim: – Siz biror narsaga muhtojmisiz?

Bolakay javob berdi:

Yo‘q, katta rahmat. Men shunchaki yuzingizni eslayman va men bu dunyoga kelganimda, jannatga borishingiz uchun ibodat qilaman.

Men ayni damda pul haqiqiy baxtni keltirmasligini tushundim...

Baxt – bu pulni qayerga sarf qilishni bilganingizda. Men har bir bola qanday bo‘lishidan qat’i nazar, baxtli bo‘lishini va insonning e’tiboridan va mehridan bahramand bo‘lishini istayman...”

Ushbu tarjimada ham aslida insoniylikning asl mohiyati yoritilgan. Bizning yurtimizda imkoniyati cheklangan yoshlar paraolimpiadada davlatimizning bayrog‘ini cho‘qqiga olib chiqdilar. Bugun ularning huquqlari davlatimiz himoyasidadir. Zero, inson manfaatlari davlatimizda eng birinchi darajali omildir.

*Malika YUSUPOVA*

## ОГОҲ БЎЛИНГ!

Инсон саломатлиги – жамиятнинг мустақкам бўғинидир. Негаки, соғлом авлодгина келажакда муносиб кадр бўла олади.

Бугунги кунда тарқалиб бораётган турли касалликларни учратишимиз мумкин. Жумладан, 1983 йилда АҚШда профессор Галло бошчилигидаги олимлар томонидан аниқланган – ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллиги “Аср вабоси” дея ном олди. Аниқланганидан буён 25 миллион инсон ушбу касалликнинг қурбони бўлди.

1987 йилга қадар ушбу вирусга қарши бирон дори ёки вакцина мавжуд бўлмаган. Тинимсиз изланишлар ва олимларнинг меҳнати туфайли 1990 йилга келиб, эффектив воситалар яратила бошланди, ammo ушбу касаллик ҳақида тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Касаллик устида ҳамон изланишлар олиб борилмоқда. Барча давлат ва ҳукумат вакиллари ушбу касалликка қарши курашиш чора-тадбирларини кўриб келмоқда.

Болалар ва 30 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ушбу касалликнинг кузатилиши, афсуски, юқори кўрсаткичларни ташкил қилади. БМТ ҳар йили бу касалликка қарши курашиш омиллари ва унга етак-

ловчи вирус ҳақида ҳисобот бериб, барча халқ ва ҳукуматларни огоҳликка даъват этиб келади. Касалликка қарши курашиш самарасини ошириш мақсадида – 1 декабрь Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни этиб белгиланган.

Ҳозирги кунда 30 миллиондан ортиқ инсон бу вирус билан касалланган. Жумладан, 1,5 миллиони Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё минтақаларига тўғри келади. БМТнинг маълумот беришича, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда касалликнинг тарқалиши бўйича биринчи ўринда туради.

Ўзбекистонда ОИТВ ва ОИТС билан боғлиқ масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудида касалликка қарши курашиш марказлари ташкил этилган бўлиб, соҳа фаолияти билан боғлиқ барча профилактик, эпидемиологик ва даврлаш дастурлари олиб борилади.

Саломатлик – бутун инсониятнинг энг олий неъматидир. Zero, соғлом тандагина соғлом заковат шаклланади.

*Газиза АШУПОВА*

## СПОРТ - СОҒЛИК ГАРОВИ

Анъанага айланиб бораётган спорт – кундалик ҳаётимизда ҳам беқиёс ўринга эга. Негаки, юртимиз ривожда ҳам спортнинг аҳамияти катта. Ёшларимиз қўлга киритган Халқаро Олимпиадалардаги юзлаб ғалабаларини мисол тариқасида келтира оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни «Ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалалари»га бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эдилар.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Йиғилишда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Жисмоний тарбия кафедраси ходимлари В. Васильев, Ф. Валиев, Г. Жураева, Д. Рихсиев, Г. Акбаровалар томонидан талаба-ёшларни спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзига эътибор қаратиш, шунингдек, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ТошПТИ Спорт мажмуасида бир қатор тўғараклар ташкил этилди. Институтнинг спорт мажмуасида мини футбол, волейбол, стол-теннис, шахмат тўғараклари иш фаолиятини олиб бормоқда.



Институтимизда жорий йилда Олий таълим вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрь 842-сонли буйруғи асосида – «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида «Дўстлик спартакиадаси» номи мусобақа ташкил қилинди. Ушбу мусобақа – мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат турларини ўз ичига олади. Профессор-ўқитувчи ва ходимлар жамоаси мини футбол тури бўйича фахрли 2-ўринни эгаллашган бўлса, волейбол турида 3-ўринни қўлга киритишди. Институтимиз аёл ўқитувчилари ўртасида бўлиб ўтган шахмат турида эса 4-ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан Олий таълим вазирлиги 2019 йил 19 октябрдаги 930-сонли буйруғига асосан олий таълим тизимида бешта муҳим ташаббус доирасида «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида ташкил этилган талаба-ёшлар фестивалида институтнинг талаба-ёшлари Жисмоний тарбия кафедраси ходимлари бошчилигида «Югуриш марафони» ҳам бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда иштирок этган талаба-ёшлар ўртасида Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Даволаш иши факультети: 203-гуруҳ талабаси Ўралов Юнусбек Ўктамович, 105-гуруҳ талабалари Мамасодиқов Асрор Абдувахоб ўғли, Турдиев Уйғун Ўткир ўғли, 604-гуруҳ талабалари Режавалиев Кувончбек, Хўжаниязов Рашид Хусеиновичлар фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишди.

Бугун спорт ҳаётимизнинг асосий тамойилига айланмоқда. Чунки соғлом авлодгина келажакка «Мана мен»деб тик боқа олади. Биз ёшларимиздан ҳам маънан, ҳам жисмонан етук баркамол авлод етишиб чиқишларининг тилакдошимиз.

**Фаррух ВАЛИЕВ**

*Жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси*

**БАТАН**

Она каби муқаддасан, саждагоҳсан,  
Ота каби қалқон бўлсанг, қилчинг – ман.  
Боламдайин севганимсан дилдан асраб,  
Умид бўлсанг келажакка, илинжинг – ман.

Ҳар юракда урар бўлсанг ишонч бўлиб,  
Ёш қалбдаги мунгу туйғу – муҳаббатсан.  
Посбон турар чегарага тикиб жонни,  
Ҳар ўзлонга берилган шон, муқаддасан!

Қолди тарих бўялган ҳар қабоҳатга,  
Ошиқ қалбимиз сенинг учун малоҳатга,  
Ҳар умидга устоз бўлиб умрим тикдим,  
Кўксим тутай сенга келган жаҳолатга!

**ТИНГЛА, ШОГИРД**

Ватан турар болам дея ишонч бўлиб,  
Имон турар қабоҳатга юз бурма деб.  
Илм ўрган, болам, қалбинга чироқ бўлар,  
Умид турар маърифатга йўл бошла деб.

Қайси юрда ёвлар кезар оқизиб қон,  
Қайси бири ўз боласин тутиб ўққа.  
Болам, тингла, сенинг учун энг катта шон,  
Сен ўзбексан! Ғуруринг чиқмасин йўққа!

Қайда бўлма мадад бўлар бобонг Темур,  
Навоийнинг наволари тилингдадир.  
Тилла кўшкда бўлма майли, кўнгул озод,  
Обод бўлсин, тоза имон дилингдадир.

Ҳаёт бўлсин, энг аволо, устозларинг,  
Яхшилик қил, маърифатга ташла қадам.  
Тингла шогирд, ҳар насиҳатин – ота-онанг,  
Келажакка ёруғ юзла бошла болам!

**ТИЛГА ЭҲТИРОМ**

Елкамдаги номусим гар миллат бўлса,  
Қалбимдаги имон ўзинг, она тилим.  
Ғурурим гар ўзига бек халқим бўлса,  
Шоним ўзинг, шавкатимсан – она тилим.

Ёвлар келди емирмоққа сени ҳар он,  
Навоийнинг ноласига сажда бўлдинг.  
Шоҳ бўлсада гадо қалбга тутиб қалқон,  
Бобуринга умрбоқий согинч бўлдинг.

Йиллар борар тушовини маҳкам тортиб,  
Асрлардан садо бўлдинг бобомерос.  
Авайладик тилимиздан сени қўймай,  
Қўшиқдирсан алла каби момомерос.

Она тилим, танимдаги жоним ўзинг,  
Набирамнинг ширингина каломисан.  
Ҳар юракка ўзлигини англаувчи,  
Ўзбегимнинг ўзига хос саломисан.

**ТҲЙИНГ МУБОРАК, БАЙРОҒИМ**

Қадди баланд, ҳилтирайди мағрур ва масрур,  
Томиримда қоним узра жўш урганингдай.  
Мовий осмон, поклик ва халқ ободлиги-  
Сендадир, халқим кўксига давж урганингдай.

Мустақил элимга маёқ бўлдинг сен,  
Ҳар битта боланга йўл бошлаувчи.  
Жаҳон минбариди кўтарилган он,  
Фахрим ўзинг, ғурурим исботлаувчи.

Қўтлуғ тўйинг муборак бўлсин байроғим,  
Ҳилтира сен ҳамшиша мардона, ўктам.  
Бекдирман ўзимга, мустақил Ватан,  
Авлодга маёқсан, ҳилтира ҳар дам.

Эркин ТУРСУНОВ

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қуйидаги кафедралар лавозимларига  
ТАНЛОВ эълон қилади:**

**ДОЦЕНТЛАР:** Паталогик анатомия; Умумий хирургия; Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш; Эпидемиология, юқумли касалликлар; Болалар юқумли касалликлари; Клиник иммунология, микробиология; Тиббий ва биологик кимё; Асаб касалликлари ва болалар асаб касалликлари; Хирургик касалликлари.


**КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:** Умумий хирургия; Клиник иммунология, микробиология.

**ЎҚИТУВЧИЛАР:** Жисмоний тарбия; Фалсафа.

**КАТТА АССИСТЕНТЛАР:** Асаб касалликлари ва болалар асаб касалликлари; Психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психотерапия.

**АССИСТЕНТЛАР:** Психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психотерапия; Болалар касалликлари пропедевтикаси; Неонатология; Эпидемиология, юқумли касалликлар; Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Физиология; Асаб касалликлари ва болалар асаб касалликлари; Болалар онкологияси; Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси; Офтальмология, болалар офтальмологияси; Гистология; Оториноларингология, болалар оториноларингологияси; Тиббий радиология; Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш; Болалар стоматологияси; Гематология.

**Танлов муддати –эълон чиққан кундан 1-ой  
Манзилгоҳ- Боғишамол кўчаси 223, Тош ПТИ.  
Автобуслар: 115,19 ТошПТИ бекати. 2019.16.12.**

 <p><b>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА</b></p>	<p><b>Тахрир кенгаши:</b> Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Ҳайдаров, М. Аҳмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, Д.Т. Ашурова А. Валиев, А.А. Қудайбеганов, С.С. Гулямов, Г. Усманова <b>Нашр учун масъул:</b> Р. Ғўчиёва</p>	<p><b>Бош муҳаррир:</b> Б.Т. ДАМИНОВ <b>Тахрир хайъати:</b> (<i>ишчи гуруҳ</i>) Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош муҳаррир ўринбосари), А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган. Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223 Cho'iron nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида чоп этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -бунюртга. Адади 100 нусха. Газета институт ҳисобидан нашр этилади ва бепул тарқатилади.</p>
---	--	---	--